

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ЭЪТИБОРДА САҲОВАТ ТАМОЙИЛИНИНГ УСТУВОРЛИГИ

Бадалбаева Иродахон Ҳабибулаевна

*Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти «Гуманитар»
фанлар кафедраси ассистенти*

Аннотация: *мазкур янги Ўзбекистонда ёшларга кўрсатилаётган гамхўрликларда саховат тамойилининг устуворлиги. Олиб борилаётган ислохотларнинг жамият ривожига аҳамияти, фалсафий таҳлили ва уларнинг моҳияти тўғрисида фикр юритилган*

Калит сўзлар: *“Янги Ўзбекистон”, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар академияси, Ёшлар парламенти, «Лойиҳалар фабрикаси» гамхўрлик ҳиссиёти, дўстлик, тинчлик, биродарлик, ижтимоий ҳимоя*

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган вақт ичида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди.

Мамлакатимизда ёшларни болалиқдан ўзига хос бой бадиий олам орқали, унинг бетақдор ва турли ажойиботларга тўла саргузаштлар ёрдамида камол топиши масаласи ижодкор олимларимизнинг доим эътиборида бўлган. Улар ўзбек авлодларининг илмий-маърифий онгини янада юксалтириш, меҳр-муҳаббатли, саховатли қилиб тарбиялаш, атроф-муҳитга, она табиатга ва ундаги жониворларга гамхўрлик ҳиссиётларини ҳамда дўстлик, тинчлик, биродарлик каби ғояларни илгари суришга ҳаракат қилди. Ҳикоя ва қиссалар орқали ўсмирларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга эътибор берилди, уларнинг таълим билан

боғлиқ ҳаётини тасвирлаш кўлами кенгайди. Ҳаким Назир, Х.Тўхтабоев, Э.Раимов, Ф.Мусажонов Ҳ.Пўлатов, А.Пардаев, С.Барноев, С.Анорбоев, Ҳ.Шайхов, А.Обиджон каби адибларимизнинг мазкур мавзуга бағишланган асарлари шулар жумласидандир.

Хусусан Х.Тўхтабоевнинг бадиий образлари Шавкатжон тимсолидаги қизғанчиқ боланинг қайта тарбияланиши ҳали оқ билан қорани ажрата олмайдиган ёшлар учун чинакам ибрат наъмунасидир. Ёзувчининг бу хилдаги қисса ва романлари ғоявий-бадиий, тарбиявий вазифа қаҳрамонлар бошдан кечирган саргузаштлар зиммасига юкланади. Характерлар такомиленинг кўзгуси бўлган ҳар қандай саргузашт эса кишини бефарқ қолдирмайди. Зеро, “Сариқ девни миниб” романидаги Ҳошимжон, “Беш болали йигитча” романидаги Орифжон, “Ширин қовунлар мамлакати ёки сеҳргарлар жанги” романидаги Ақром қовунчи. “Қасоскорнинг олтин боши” романидаги Намоз ботирлар тақдири билан боғлиқ саргузаштларда ёшларни маънавий-маърифий камолотга етакловчи фалсафий ғоялар илгари сурилган.

Яна бир адибимиз С.Барноевнинг “Нур ёғилган кун” ва “Туташ йўллар” қиссасида уруш ва болалик мавзуси кенг ёритилган. Асарда уруш қолган асоратлар, уруш давридаги одамлар ва болалари ҳаёти, орзу-умидлари, ота соғинчи, кураш ва ташвишларига мурожаат этилганлигидир. Қисқача айтганда, бу мавзуда ўзбек болалар насрида “Рустамжоннинг саргузаштлари” қиссаси (Ғайратий), “Лочин қанотлари” (Ҳаким Назир), “Беш болали йигитча” (Х.Тўхтабоев) романлари яратилган бўлиб, уларда ўсмирларнинг уруш давридаги ҳаёти қаламга олинган.

“Нур ёғилган кун”да адиб бош мавзу бўлиб ўтган уруш қолдирган аянчли асоратлар, урушни қоралаш мотиви яна етакчилик қилади. Аслида бу қисса адибнинг “1947 йил ҳикоялари” туркумининг узвий давоми ҳисобланади. Бу туркумни бирлаштирувчи муштарак жиҳатлар уруш даври болалари, улар қалбининг турфа жилोलарини кўрсатиш ва урушга қарши курашишдан иборат. Ана шу мотив “Нур ёғилган кун”да ҳам давом эттирилади. Кейинчалик бу қисса

“Каримжон Карлсон” тўпламига “Янги ой” номи билан киритилган. Қиссада урушни болалар нигоҳи орқали тасвирлаш ва қоралаш руҳи кучли лавҳа жуда таъсирчан чиққан: болалар дастурхонга омин қилган пайтда,

Адибнинг “Янги кунлар” қиссасидаги Абдурахмон ҳаёт воқеаларига фаол аралashi билан Гайдарнинг тиниб тинчимас қаҳрамонларига ўхшаб кетади. Қисса бугунги болалар турмуши ҳақида бўлиб, унда яратилган образлар орқали замонамиз болаларининг урушга нафратини, дунё воқеаларига қизиқишини; нафақат ўз Ватани, балки она сайёрамиз тақдири ҳам уларнинг диққат марказида эканлигига амин бўламиз. Аждодлардан бизга мерос бўлган маърифат зиёсини тарқатиш жадид боболаримиздан сўнг Учинчи Реннесансни пойдеворлари бўлган ёшларни маънавияти енгилмас, иродаси букилмас бўлиб баркамол ва комил инсон бўлиб етишишлари йўлида бу адибларимиз умрини бахшида этганлар.

Бугун мамлакатимизда беқиёс ўзгаришлар рўй бермоқда. Қатор соҳаларда эришилаётган юксак марралар озод ва обод юртимизнинг нуфузини оширмоқда. Бунёдкор халқимиз ўз ривожланиш ва тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, орзу-мақсадларига етмоқда. Эмин-эркин меҳнат қилиб, тинч-осойишта турмуш кечиряпти.

Дунёнинг турли жойларида содир бўлаётган урушлар, ислом динини ниқоб қилиб олган ҳар хил террористик оқимлар ва ёвуз кучлар томонидан амалга оширилаётган қўпоровчиликлар, мудҳиш жиноятлар, хунрезликлар тинч аҳоли, каттаю кичикнинг ҳаётига зомин бўлаётган, шаҳару қишлоқлар вайронага айланаётган нотинч давримиз бизни янада огоҳ ва хушёр бўлиб яшашга, ўз уйимизни, она Ватанимизни асраб авайлашга, шу шукуҳли кунларнинг қадрига етишга чорлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси ташкил қилинди. Худудларда «Лойиҳалар фабрикаси» иш бошлади.

Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги иш усулларини “Темир дафтар” тизимини жорий этилди. Бу тизим орқали юз минглаб фуқароларнинг бандлиги таъминланмоқда, беш миллионта оиладаги муаммолар ҳал этилди.

Ўзбекистон Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги фаолияти йўлга қўйилди. Йигит ва қизларнинг бизнес ташаббусларини тўёбга чиқариш, субсидиялар, имтиёзли кредитлар ажратиш, касб-ҳунарга ўқитиш, фермерликни қўллаб-қувватлаш, фарзандлар таълим-тарбияси, уларни соғломлаштириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, “Ёшлар дафтари” орқали уларга кўмаклашиш каби йўналишларда давлат томонидан ёшларни қўллаб қувватлаш чоралари кўрилмоқда

«Мард ўғлон» давлат мукофоти ва «Келажак бунёдкори» медали таъсис этилиб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллиги ва ташаббускорлиги билан тенгдошларига ўрناк бўлаётган, шунингдек, ўқишда ва меҳнат фаолиятида катта ютуқларга эришган 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган ёшлар мукофотланмоқда.

Сўнгги уч йилда нуфузли халқаро танлов ва мусобақаларда мамлакат ёшлари томонидан 5 299 мартаба совринли ўринлар қўлга киритилган, хусусан, маданият ва санъат соҳасида 446 та, спорт соҳасида 4 838 та, фан-таълим соҳасида 15 та.

Худудларда 72 та Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилиб, «Маърифат карвони» тадбирлари доирасида 3 миллиондан ортиқ китоблар ёшларга етказиб берилди ҳамда «Ёш китобхон» танлови, «Бир миллион дастурчи» каби ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ёш авлод тарбиясида ҳал қилувчи ўрин тутадиган таълим тизимида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Сўнгги тўрт йилда мамлакатда олий таълим муассасалари сони 50 фоизга (43 та янги) оширилиб, уларнинг сони 121 тага, ёшларни олий таълим муассасаларига қамров 9 фоиздан 25 фоизга етказилди. 4 та Президент мактаблари, 5 та «Темурбеклар мактаби» ва 9 та ижод мактаблари барпо этилиб, «Замонавий мактаб» дастури жорий этилмоқда.

Республикада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг 22,9 фоизи (106 минг 574 таси) 30 ёшгача бўлган ёшлар хиссасига тўғри келади. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг 21,5 фоизини (71 минг 467 тани) 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Шунингдек, мамлакатда 3,4 мингга яқин ёш фермерлар, 7,8 мингга яқин ёш хунармандлар фаолият юритади.

Бундан ташқари, мамлакатимизда ёшларнинг бепул умумий таълим олиш ҳуқуқий кафолатлангани ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Бугунги кунда юртимизда умутаълим мактаблари, истеъдодли ёшлар учун Президент мактаблари, Темурбеклар мактаби, ихтисослаштирилган ижод ва мусиқа мактабларида ёшларга берилаётган замонавий таълим-тарбия Янги Ўзбекистонда учинчи Ренессанснинг мустаҳкам пойдевори бўлмоқда.

Олий таълим соҳасига оид ислохотлар ва яратиб берилаётган имкониятлар эса талабаларнинг етук кадр бўлиб ҳаётга кириб боришида муҳим омиллардан бири бўлмоқда. Охирги йилларда бу борада бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланиб, уларда раҳбар кадрларнинг бошқарув салоҳиятини юксалтириш, ёшларнинг ташаббусларини ва иқтидорини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш янги инновацион тизимни шакллантирди.

Тест жараёнларининг соддалашуви ва коррупциядан холилиги, хорижий таълим муассасаларидан юртимиздаги олий ўқув юртларига ўқишини кўчириш, айти бир вақтнинг ўзида 5 та ОТМда тест синовларида билимини синаб кўриш, аёллар учун магистратура таълимида контракт пулларининг тўлиқ давлат томонидан тўлаб берилиши, докторантура учун қўшимча квоталарнинг ажратилиши каби масалалар бунинг ёрқин мисолидир. Албатта, халқимиз бу кунларга етишини асрлар давомида орзу-ният қилиб келган.

Жумладан, жаҳид боболаримизнинг йўлбошчиси Маҳмудхўжа Бехбудий миллатимиз равнақи ва истиқболи, Туркистоннинг ёруғ келажаги ҳақидаги фалсафий қарашларида, халқни бирлаштириб саховат, меҳр-мурувватли қилиб, нодонлик ва жаҳолат, қашшоқлик ва эркисизлик домидан қутулишнинг ягона йўли

илм-маърифатли бўлишдир, деган хулосага келиши исботини топган ҳақиқатдир. Бехбудий сай-ҳаракати билан саховатпеша халқдан маблағ йиғиб, илмга ташна бўлган Туркистон ёшларини маърифатли қилиш мақсадида чет элга ўқишга юбориб ўқитиб, юксак тафаккурга эга миллатнинг эртанги куни учун керакли мухандис ва муаллимларга, хорижий тилни биладиган замонавий авлодга эга бўлиш орқали юртни зулмдан озод этиб тараққиётини юксалтиришни илгари сурган.

Жадидлардан Абдулла Авлоний ва Абдурауф Фитрат ёш авлодни аввало, тўғри йўлда тарбия этмасдан туриб жамиятни ислоҳ қилиш, унинг тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмас деб ҳисоблайди. Миллатнинг тақдири аввало, оиланинг тинчлиги ва тарбия муҳитига, ҳолатига боғлиқ деяган фикрни келтиради: “Ҳар бир миллатнинг бахту камоли ва иззати, албатта, миллат оилаларининг тарбияси ва интизомига суянади. Қайси оилада тарбия кучли интизомга таянса, миллат ва мамлакат ҳам шунча кучли бўлади” деган фикрларини, орзуларини бугун рўё бўлаётганини англашимиз мумкин. Давлатимиз раҳбарининг тadbиркорлар ва ёшлар билан бўлган учрашувида илгари сурилган саховат ва хайрия ишларининг кўлами бунинг исботидир. Бу эса Янги Ўзбекитондаги ёшларимизнинг дунёқарашини тубдан ўзгартиришга асос бўлди. Биргина мисол, олий таълим муассасаларига кириш имтихонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёшлар учун алоҳида Президент гранти жорий этилди.

Шунингдек, саховатли давлатимиз томонидан икки ва ундан ортиқ фарзанди олий таълимда шартнома асосида таҳсил олаётган оилаларга имтиёзли таълим кредити ажратиш йўлга қўйилди. Ёшларимизнинг нуфузли хорижий олий ўқув юртларида таҳсил олиши учун ва изланувчи ёшларни рағбатлантириш мақсадида “Ёш олимлар” инновацион танлови учун 30 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилганининг ўзи ҳам катта имкониятдир.

Ўзбекитон – ёшларни қўллаб-қувватловчи мамлакат. Шунинг учун, ёшларнинг билим олишлари, илм ва тарбияси ва уларнинг камолотига давлатимиз

томонидан алоҳида эътибор қаратилади. Аввало, давлатнинг бу соҳадаги устувор вазифаларни ҳуқуқий асослари доимий такомиллашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонунда ёшларни ҳар томонлама ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, истеъдодли ёшларга кўмак масалалари қамраб олинган. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунда эса давлат бошқарув органларининг соҳага оид ижтимоий муносабатлари ҳуқуқий тартибга солинган. Янги Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини замон талабларидан келиб чиқиб амалга оширишда Ш.Президент Мирзиёевнинг ташаббуслари алоҳида аҳамиятга эгадир. Давлатимиз раҳбарининг ёшлар учун қаратган доимий эътибори, айниқса, маърифий ислоҳотларда яққол намоён бўлмоқда. Бу ислоҳотларнинг натижаси эса ёшларнинг Янги Ўзбекистон давлатига ва қонунларга бўлган ишончини юксалтирмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т., 2021 йил
2. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Эҳтиёжманд аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш чора-тадбирлари” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан. 2022 йил 29 апрель.
3. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумоти 2021 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 18.01.2021 йил 23-сон
5. Х.Тўхтабоев. “Сеҳрли қалпоқча” (Бу асарда воқеалар қаҳрамон тилидан баён этилган), “Сариқ девни миниб” (1968, жами 24 тилга таржима қилинган), “Сариқ девнинг ўлими” (1973), “Беш болали йигитча” (1976), “Қасоскорнинг олтин боши” (1981), “Йиллар ва йўллар” (1983), “Сеҳргарлар жанги ёки ширин қовунлар мамлакатида” (1986), “Мунгли кўзлар”, “Сир очилди” (1964), “Омонбой ва Давронбой саргузашти”, “Жаннати одамлар” (1996), “Шошқалоқ”, “Сўқмоқлар” каби ҳикоя ва асарлар муаллифи.
6. Хақим Назир. “Қишлоқдаги жиянларим”(1948), “Беш баҳо” (1955), “Болажонларим” (1964), “Али билан Шер” (1971), “Кенжатой” (1976), “Тоҳир Зухра қиссаси” (1985) ҳамда “Дадамни топиб беринглар” (1991), “Оқ фотиҳа ёки болалик саргузаштлари” хотира-қиссаси (1995) каби асарлар ва ҳикоялар муаллифи.